

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
DSc.15/27.02.2020.Т.73.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАМЕДОВА ЗИЁДА ГАФУРДЖАНОВНА

**МАХСУС ЎЗИЮРАР ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБНИНГ ИШЛАШ
МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ВА РЕСУРСИНИ БАШОРАТЛАШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси.
Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси**

**05.08.05 - Темир йўлларнинг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва
электрлаштириш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation

Мухамедова Зиёда Гафурджановна Махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркибнинг ишлаш муддатини узайтириш ва ресурсини башоратлаш.....	3
Мухамедова Зиёда Гафурджановна Повышение срока службы и прогнозирование ресурса специального самоходного подвижного состава.....	29
Mukhamedova Ziyoda Gafurdjanovna Increasing the service life and predicting the resource of special self-propelled rail service.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
DSc.15/27.02.2020.Т.73.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАМЕДОВА ЗИЁДА ГАФУРДЖАНОВНА

**МАХСУС ЎЗИЮРАР ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБНИНГ ИШЛАШ
МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ВА РЕСУРСИНИ БАШОРАТЛАШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси. Камёб,
нодир ва радиоактив элементлар технологияси**

**05.08.05 - Темир йўлларнинг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва
электрлаштириш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4.DSc/T232 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashiit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шермухамедов Абдулазиз Адилхакович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рискулов Алимжан Ахмаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Шарипов Қонратбай Авезимбетович
техника фанлари доктори, профессор

Курбанов Жанибек Файзуллаевич
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.15/27.02.2020.Т.73.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «7» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертацияси билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66

Диссертация автореферати 2020 йил «23» 11 кун тарқатилди.
(2020 йил «16» 11 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



А.В. Умаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Э.У. Тешабасва

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Ш.С. Файзибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
бир марталик илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда ташиладиган юкларнинг 78% темир йўл транспорти орқали ташилади, шунинг учун ҳам уларнинг ташкил қилувчи материалларни фойдали ишлатиш муддатини узайтириш билан капитал таъмирлашда конструктив узелларни модернизациялаш йўли билан эксплуатациядаги мавжуд темир йўл техникаси ишончлилигини ошириш ва ресурсларни тежаш масалалари давлат сиёсатини ҳам белгилайди. Жаҳон инқирозига қарши дастурнинг асосий чоратadbирларидан бири бу «модернизацияни жадал суръатлар билан амалга ошириш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан материалларни ишончини ошириш, қайта жиҳозлаш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг қўламда татбиқ этишдир»¹. Шу сабабли махсус темир йўл тизимининг материалларини ишлаш муддатини узайтириш мақсадида уларни бузмасдан хоссалари ва ресурсини башоратлаш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Хитой ва бошқа етакчи мамлакатларида темир йўл соҳасида материалларнинг ресурсларини тежашга, хусусан бутун темир йўл тармоғининг хавфсиз ва узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида махсус темир йўл ҳаракатланувчи таркиби материаллари хизмат муддатини узайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу сабабли материалларни ва конструкцияни ишончлиликини баҳолашга ва уни яхшилаш услубларини такомиллаштиришга, замонавий моделлаштириш услублари ва дастурларини қўллаган ҳолда темир йўл ҳаракатланувчи таркибининг материаллари қолдиқ ва мустаҳкамлик ресурсларини аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқотчилик ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсиб бориши жараёнида маблағлардан самарали фойдаланиш, материаллар ва конструкцияларни хизмат муддатини узайтириш, уларни бузмасдан модернизациялашнинг турли усуллари яратишда инновацион ёндашувларни қўллашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳаракатланувчи таркибни, шу жумладан автотрисаларни модернизациялаш, шунингдек иқтисодий-самарали услубларини қўллаш ташишлар умумий таннархини арзонлаштириш имконини беради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий-инфратузилма лойиҳаларини ҳал қилишга қаратилган, ... иқтисодиёт соҳасидаги фаол инвестицион сиёсат, энергия ва ресурслар истеъмолини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг қўламда жалб этиш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу борада темир йўл ҳаракатланувчи таркиби материаллари ва конструкцияларини динамик иш

¹ www.mdpi.com/2076-3298/4/2/39.PDF

² <https://www.fitchratings.com/research/sovereigns>

кўрсаткичларини яхшилаш мақсадидаги замонавий технологиялар ва илмий ишланмаларни жорий муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелидаги ПП-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурслар тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ тарзда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркибнинг турли материаллари ва агрегатлари, узел ва деталларининг динамик ва толиқиш мустаҳкамлиги ва ишончилиги ҳисоблашнинг турли жиҳатларини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан General Electric Transportation (США), Institute of Communications Technology Hannover, Siemens, Техническом университете в Брауншвейге (Германия), политехнический Сильезевский университет Катовица (Польша), East Paris University (Франция), Cranfield University Bedford (Буюк Британия), Москва транспорт муҳандислари институти, Омск темир йўл университети, Санкт-Петербург давлат темир йўл университети (Россия), Тошкент давлат транспорт университетида (Ўзбекистон) илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркибнинг турли материаллари ва агрегатлари, узел ва деталларининг динамик ва толиқиш мустаҳкамлиги ва ишончилиги ҳисоблашнинг турли жиҳатларини аниқлаш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий натижалар оинган, жумладан: вагонлар хизмат муддатини узайтириш усули яратилган General Electric Transportation (США), вагонларнинг индивидуал ресурсини баҳолаш услублари ишлаб чиқилган), Institute of Communications Technology Hannover, Siemens, Техническом университете в Брауншвейге (Германия), метрополитен аравачалари толиқиш узок муддатлилигини башоратлаш учун лойиҳалаштириш услублари динамик таҳлил ва узок муддатлилигини башоратлаш усули ишлаб чиқилган East Paris University (Франция), Cranfield University Bedford (Буюк Британия), темир йўл транспорти системаларини ишлаш вақтини аниқлаш усуллари яратилган Москва транспорт муҳандислари институти, Омск темир йўл университети, Санкт-Петербург давлат темир йўл

университети (Россия), махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркибнинг турли материаллари ва агрегатлари, узел ва деталларининг динамик ва толиқиш мустаҳкамлиги ва ишончилиги ҳисоблашнинг ANSYS WORKBENCH тизими яратилган Тошкент давлат транспорт университетиди (Ўзбекистон).

Дунёда махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркиб хизмат муддатини узайтириш ва унинг қолдиқ ресурсини башоратлаш юзасидан қуйидаги йўналишлар бўйлаб тадқиқотлар олиб борилмоқда жумладан, рессорали осилма ва ҳаракатланувчи таркиб рамаси тебранишлари жараёнларини ўрганиш билан боғлиқ мураккаб вазифалар ва назарий хулосалар, улар назарий тадқиқотлар билан бирга кўп сонли (ҳам стенда, ҳам табиий шароитлардаги) экспериментал тадқиқотлар, AN-SYS дастурий таъминоти ёрдамида 6К электровози тортув ўриндиқларида юзага келадиган дарзлар сабабларини аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш, 6К ҳаракатланувчи таркиби рамасининг асосий ҳолатларида имитацион таҳлил ва он-лайн тестлаш ёрдамида эквивалент кучланишни (зўриқишни) ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темир йўл транспорти механик тизимлари, турли узел ва деталлар динамик мустаҳкамлиги ва ишончилиги ҳисоб-китоби назарияси ривожлантириш бўйича С. Baykasoglu, Han T., Li Q., Chao W., Liu Ch., Miao B., Tang W., Mancini G., Cera A., Bruni S., Jung-Won Seo, Hyun-Moo Hur, Hyun-Kyu Jun, Seok-Jin Kwon, Dong-Hyeong Lee, Sebesan I., Baiasu D., Anyakwo A., Pislaru C., Ball A., Dahlberg T., R.Ch. Sharma, M.Dhingra, R.K. Pandey, Y.Rathore, D. Ramchandani, Rezvani M.A., Feizi M.M., Shadfar M., Zabeld V. Александров А.В., Бабаков И.М., Тимошенко С.П., Шнейдерович Р.М., Болотин В.В., Васильев В.З., Когаев В.П., Коссов В.С., Писаренко Г.С., Решетов Д.Н., Савоськин А.Н., Серенсен С.В., Феодосьев В.И., Anyakwo, A., Bogdevicius M., Zygiene R., Bureika G., Subačius R, Chao Wang, Popp K., Schiehlen W., Rakesh Chandmal Sharma, Sebesan I., Baiasu D., Spiriyagin M., Битюцкий А.А., Болотин В.В., Бороненко Ю.П., Бубнов В.М., Григорьев П.С., Жданов В.Н., Кельрих М.Б., Кочнов А.Д., Соколов М.М., Третьяков А.В., Глуценко А.Д., Лебедев О.В., Хромова Г.А., Файзибаев Ш.С. ва бошқалар илмий ишлар олиб боришган.

Улар томонидан юк вагонлари металл конструкцияларининг масъул элементлари техник ресурсини ўрганиш, уларни баҳолаш ва башоратлашга доир тадқиқотлар, рельсли транспорт ҳаракатланувчи таркиби қолдиқ ресурсининг назарий асослари яратилиш, ҳамда унинг меъёрий-техник ечимлари, баҳолаш услубиётлари ва алгоритмлари таклиф этилган.

Шу билан бирга ҳозирда турли типдаги ҳаракатланувчи таркиб хизмат муддатини узайтириш, қолдиқ ресурсни баҳолаш ва хизмат муддатини узайтириш масалалари машинасозликнинг кўпгина тармоқларида, қузовлар, уларнинг юк тушадиган рамалари, рессорали осилма ва юриш қисмининг букилиш ва айланма тебранишлари мавжудлиги махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркиб конструкциялари толиқиш мустаҳкамлиги ва ишончилиги кўрсаткичларини текшириш, махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи

таркибларни модернизациялаш, муайян типдаги махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркиб турли элементлари тебранишларининг унинг динамик сифатларига таъсирини баҳолаш йўли билан зарур динамик мустаҳкамликка эришиш, кучайтирилаётган механик узеллар ва деталларининг етарли даражадаги қаттиқлиги таъминланиш, транспорт машинасозлиги металл конструкциялари қолдиқ ресурсини ишончли назарий баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқотчилик ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг БФ-2-003-сон «Темир йўл транспорти ҳаракатланувчи таркиб ғилдирак жуфтликлари сирпаниш юзалари биргаликда ишлаши ва едирилиш услубларини ишлаб чиқиш» фундаментал (2017-2020 йй.), ёш олимларнинг ЁО-А3-001-сон «Транспорт машинасозлиги учун авариявий-тиклаш автотрисаларининг механик узеллари ва деталларини динамик мустаҳкамликка ҳисоб-китоб қилиш услубларини ишлаб чиқиш» амалий (2017-2018 йй.) лойиҳалари ва 93-сон «O'ztemirmashta'mir» УК да АДМ (АДМ-1) типдаги юк дрезиналари капитал-тиклаш таъмири технологик жараёнини ва уларнинг хизмат муддатини узайтириш услубиётини ишлаб чиқиш» (2016-2019 йй.) хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркиб материал ва конструкциялари хизмат муддатини узайтириш ва ресурсини башоратлаш учун унинг асосий элементлари мустаҳкамлик тавсифларини ва ишончилигини яхшилаш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркиб конструкциялари материаллари ва қисимларининг иш бажариш жараёнида физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини ўзгаришини аниқлаш;

махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркиб вертикал ва горизонтал тебранишларини ҳисобга олган ҳолда рамаси юк кўтарадиган материал ва каркасининг динамик мустаҳкамлиги математик моделини ва уни ҳисоблаш услубиётини ишлаб чиқиш;

махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркиб юк кўтарадиган материал ва конструкцияларининг қолдиқ ва толиқиш мустаҳкамлиги математик моделини ва ҳисоблаш услубиётини ишлаб чиқиш;

ANSYS WORKBENCH тизимида материаллар ва кониструкцияларнинг толиқиш мустаҳкамлигининг рақамли ҳисоблаш услубиётини ишлаб чиқиш;

махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркибнинг асосий материал ва ускуналарининг ишончилигини ошириш услубларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни такомиллаштириш;

махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркибларни модернизация қилиш ва уларнинг хизмат муддатини узайтириш концепциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб махсус ўзиюорар ҳаракатланувчи таркиб-

АДМ-1, АДМ-1.5 типли авариявий-тиклаш автомотрисаси ва МПТ-4 типли транспорт юк ортиш мотовози материал ва конуструкциялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркибини асосий материал ва конструкцияси элементларининг мустаҳкамлик тавсифлари ва ишончилиги, унинг хизмат муддатини узайтириш ва ресурсини башоратлашдир.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотлар материаллар қаршилиги, машиналар динамикаси ва мустаҳкамлиги, ишончилилик назарияси, эҳтимолийлик ва математик статистика услублари, шунингдек рақамли услубларни қўллаш, Фурье услуби, бўлакли-чизиқли аппроксимация, итерациялар ва чекли элементлар услубларидан фойдоланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб конструкциялари материаллари ва қисимларининг иш бажариш жараёнида физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини ўзгариши аниқланган;

ANSYS WORKBENCH тизимида юкланиш циклига боғлиқ равишда махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган матераллар ва конструкцияси мустаҳкамлик тавсифларининг ўзгариш боғлиқлиги олинган;

махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркибнинг йўл қўйиладиган эксплуатацион режим параметрлари, жорий таъмирлашнинг ўртача қиймати, Лагранжнинг ноаниқ кўпайтиргичлари услубини қўллаб, авариявий-тиклаш ишлари харажатларини ҳисобга олган ҳолда махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркибни диагностика қилиш жараёни билан бирлаштирилган, унинг асосий йиғув узелларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг оптимал даврий муддатларини аниқлаш модели ишлаб чиқилган;

Гаусснинг экспоненциал ва нормал тақсимланиш қонунлари асосида махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашнинг оптимал алоҳида ва биргаликда даврийлиги кўрсаткичларига тузатиш киритиш имконини берадиган махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб асосий йиғув узелларининг ишдан чиқишга қадар тақсимланиш эҳтимоли олинган;

махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб рамасининг юк тушадиган каркаси ҳисобининг вертикал ва горизонтал тебранишларини ҳисобга олган ҳолда динамик мустаҳкамлиги модели ва аналитик-рақамли услуби модели ишлаб чиқилган;

вертикал, бўйлама, таъмирлаш ва бошқа шу каби эксплуатация юкламаларини ҳисобга олган ҳолда юк тушадиган конструкциялар толиқиш мустаҳкамлиги мезони бўйича толиқишга қаршилиқ кўрсатиш захираси ва узоқ муддат ишлашини аниқлаб берувчи модель ва махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган конструкцияларининг толиқиш мустаҳкамлиги модели ва уни ҳисоблаш услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«АДМ (АДМ-1) типдаги автомотрисалар ва МПТ-4 мотовозлар

механик қисмини ПДМ шароитларида хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирлашнинг технология жараёни бўйича Йўриқнома» ва «АДМ (АДМ-1) типдаги автотрисалар ва МПТ-4 мотовозларни электр қисмини ПДМ шароитларида хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирлашнинг технология жараёни бўйича Йўриқнома» лар ишлаб чиқилган;

махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркиб рамасининг юк тушадиган каркаси ҳисобининг вертикал ва горизонтал тебранишларини ҳисобга олган ҳолда динамик мустаҳкамлиги модели ва аналитик-рақамли услуби модели, вертикал, бўйлама, таъмирлаш ва бошқа шу каби эксплуатация юкламаларини ҳисобга олган ҳолда юк тушадиган конструкциялар толиқиш мустаҳкамлиги мезони бўйича толиқишга қаршилиқ кўрсатиш захираси ва узоқ муддат ишлашини аниқлаб берувчи модель ва махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган конструкцияларининг толиқиш мустаҳкамлиги модели ва уни ҳисоблаш услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий услублардан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ўтказилганлиги ва компьютерда моделлаштириш якунлари, шунингдек назарий механика қоидалари, материаллар қаршилиги асосидаги махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркиб рамаси статик ва динамик параметрлари, олинган назарий экспериментал тадқиқотлар натижаларининг мутаносиблиги, махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган конструкцияси синовлари натижасида ижобий натижалар олинганлиги ва уларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юк тушадиган материаллар ва конструкция мустаҳкамлик ҳисобини амалга ошириш, махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркиб асосий йиғув бирликлари ишончилигини уларнинг хизмат муддатини узайтириш ва улар ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида баҳолаш имконини берадиган амалий услубларни ишлаб чиқишилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти материал ва конструкцияларни эксплуатацияда йўл қўйиладиган режим параметрларини ҳисобга олган ҳолда диагностика қилиш жараёни билан бирлаштирилган махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркиб асосий йиғув узеллари қолдиқ ресурсини башоратлаш ва уларни таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатишнинг оптимал даврийлигини белгилаш, хизмат қилиш муддатини узайтириш услублари мавжуд махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркиблар, АДМ-1, АДМ-1,5 автотрисалари ва МПТ-4 мотовозларини модернизациялаш ва уларни эксплуатация қилишда қўланилиши билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Махсус ўзиюарар ҳаракатланувчи таркиб хизмат муддатини узайтириш ва ресурсини

башоратлаш учун унинг асосий элементлари мустаҳкамлик тавсифларини ва ишончилигини яхшилаш услубларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

вертикал, бўйлама, таъмирлаш ва бошқа шу каби эксплуатация юкламаларини ҳисобга олган ҳолда юк тушадиган конструкциялар толиқиш мустаҳкамлиги мезони бўйича толиқишга қаршилиқ кўрсатиш захираси ва узоқ муддат ишлашини аниқлаб берувчи модель ва махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган конструкцияларининг толиқиш мустаҳкамлиги модели ва уни ҳисоблаш услубиёти «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 21 августдаги 01/2845-20-сон маълумотномаси). Натижада махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб материал ва конструкцияларини иш бажариш қобилиятини доимий назорат қилиў имконини берган;

АДМ (АДМ-1) типли автомотрисалари ва МПТ-4 мотовозлари механик қисмини ПДМ шароитларида уларнинг хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирлаш технологик жараёни бўйича ишлаб чиқилган йўриқнома «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 21 августдаги 01/2845-20-сон маълумотномаси). Натижада, АДМ (АДМ-1) типли автомотрисалар ва МПТ-4 мотовозларини фойдали ишлатиш муддатини 10 йилгача узайтириш билан улар механик қисмининг капитал-тиклаш таъмирини бажариш имконини берган;

АДМ (АДМ-1) типли автомотрисалари ва МПТ-4 мотовозлари электр қисмини ПДМ шароитларида уларнинг хизмат муддатини узайтириш билан капитал таъмирлаш технологик жараёни бўйича ишлаб чиқилган йўриқнома «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 21 августдаги 01/2845-20-сон маълумотномаси). Натижада, АДМ (АДМ-1) типли автомотрисалари ва МПТ-4 мотовозлари электр қисмини уларни фойдали ишлатиш муддатини 10 йилгача узайтириш билан капитал таъмирини бажариш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 11 илмий-амалий конференциялар, илмий мактаблар ва семинарларда, шу жумладан 6 та халқаро конференция ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида синовдан ўтказилди.

Натижаларнинг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича опубликовано жами 42 та илмий иш, 2 та монография, хорижий журналларда 10 та мақола, улардан учтаси SCOPUS базасидаги журналлар, МДХ мамлакатларида 4 та мақола, Республика журналларида 10 та мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикасининг 2 та ЭҲМ дастури гувоҳномаси олинган.

Иш тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб,

хулоса қисми, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 195 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, унинг мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объекти, предмети ва услублари шакллантирилади, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилиб, уларнинг ишонарлиги, шу жумладан диссертация иши яқунларининг амалиётга татбиқ этилганлиги асосланади, шу билан бирга апробациялар, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмасига оид маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг «**Масаланинг ҳолати. Тадқиқот вазифаларининг қўйилиши**» деб ном олган биринчи бобда махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб динамикаси ва унинг динамик тавсифларини оптималлаштириш соҳасидаги илмий-техник адабиётлар обзори берилади. Махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркибнинг динамик тавсифларини оптималлаштириш бўйича турли хил математик моделлаштиришларни қўллаган ҳолда ўтказилган тадқиқотлар таҳлили ушбу йўналишга жиддий эътибор қаратилаётганлигини кўрсатди. Бунда ижобий натижалар олинганига қарамай, оптималлаштириш тамойиллари кенг кўламда фойдаланилмай, ҳаракатланувчи таркибнинг юриш қисмини лойиҳалаштириш мақсадида амалиётда камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Бу ҳолат мураккаб бўлмаган рақамли моделлардан фойдаланиб мукамал оптималлаштириш дастурлари, шунингдек физик моделларни қўллаган ҳолда муайян оптималлаштириш механизми ёки методологияси йўқлиги билан боғлиқ. Оптималлаштириш жараёнида мақсадли функцияни танлаш учун бир неча вариантни кўриб чиқиш мумкин бўлиб, бу асосий мезон оптималлаштирилса, қолган мезонлар бўйича чекловлар қўйилишини англатади. Мос равишда масалани ҳал қилиш учун барча локал натижаларнинг ўзаро мувофиқлигига эришиш талаб этилади.

Ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган конструкцияси толиқиш мустаҳкамлигини аниқлашга бағишланган ишлар таҳлили, бу соҳадаги замонавий тадқиқотлар компьютер дастурий мажмуалардан фойдаланишга асосланганлигини намоён этади. Толиқиш ресурсини баҳолаш учун деформацияларнинг таҳлили ва юкланиш, ўз частоталари ва моделлар шакллари коэффициентларини аниқлаш учун модалли таҳлил услуби ANSYS дастурий таъминотида ўтказилади.

Бугунги кунда турли типдаги ҳаракатланувчи таркибларнинг хизмат муддатини узайтириш бўйича амалий ишлар билан Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Латвия, Литва, Грузия ва Ўзбекистон каби мамлакатлардан 25 дан ортиқ ижрочи-ташкилот шуғулланади. Ўз фаолиятида бу ташкилотлар «Халқаро қатновларда юк ва рефрижератор вагонларини техник диагностика қилиш бўйича ягона услубий

кўрсатмалар» меъёрий-техник ҳужжати ва намунавий Дастурлар ва техник диагностика услубиётларига амал қилган ҳолда ишлайдилар. Бу ҳужжатлар шунингдек МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг Комиссияси томонидан ҳам тасдиқланган.

Замонавий техниканинг мураккаблашуви, унинг ишончилигига бўлган талаблар ортиши, ҳамда авариялар ва фалокатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган авариявий вазиятлар юзага келишига йўл қўйиб бўлмайдиган шароит туфайли назорат қилинадиган тузилмавий параметрлар, шундан келиб чиқиб, зарур ўлчаш воситалари сони ҳам кўпая бошлайди. Темир йўллар тармоғидаги ҳаракатланиш хавфсизлиги таҳлили маълумотларига кўра, ҳаракатланувчи таркиб оғир юк тушадиган деталларининг синиш ҳолатлари кўпинча детал кесими майдонининг 12% дан (юк вагонлари араваларининг ён рамалари) 50% гача ва ундан катта бўлган (ғилдирак жуфтликлари ўқлари) эски дарзлар мавжудлиги сабабли юз беради. Ҳаракатланувчи таркиб деталларининг ишлаш муддатини узайтириш ва маҳсулот қайта бракланиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган энг самарали усулларида бири – шикастламайдиган техник назорат воситаларидан фойдаланган ҳолда қолдиқ ресурсни аниқлаш услубиётларини ишлаб чиқишдан иборат.

Бундан ташқари махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб асосий ускуналари ишончилигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва башоратлаш учун қўлланадиган математика услубларининг таҳлили берилган. Махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб асосий ускуналарининг (қуйида матнда АС) ўта муҳим тавсифи – машинасозликнинг барча объектлари учун бўлгани каби ишончилик бўлиб ҳисобланади. Эксплуатация жараёнида узоқ вақт давомида УС уларнинг техник ҳолатига турлича таъсир кўрсатадиган кўплаб тасодифий сабаблар таъсирига учрайди. Эксплуатацион омиллар таъсирининг турли-туманлиги ва статистика характерида эгаллиги ишончилиги масалаларини уларни лойиҳалаштириш даражасида, узоқ муддат эксплуатация қилиш даври ва таъмирлаш давомида, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. УС ларнинг статик ва динамик техник ҳолатини тасвирлаш учун унинг таҳлили, баҳоланиши ва башоратланиши учун қулай формалаштирилган ва самарали инструментлар: графлар назарияси; чекли автоматлар назарияси; ишончилик назарияси; образларни фарқлаш (таниш) назарияси; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика назарияси, экспериментни режалаштириш назарияси ва регрессион таҳлил (анализ) кабиларни муваффақият билан қўллайдилар. АС махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркибларни бошқаришда ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилишнинг энг самарали услубларидан бири экспериментни режалаштириш назарияси ва регрессион таҳлил услуби ҳисобланади.

Транспорт машинасозлиги металл-конструкциялари қолдиқ ресурсини назарий жиҳатдан ишонарли баҳолаш соҳасидаги тадқиқотлар

тахлили бу каби тадқиқотлар ҳали етарли бўлмай, тажриба услублари ёрдамида эришиладиган аниқлик ва ишонарлилик даражасига эришиш учун шак-шубҳасиз кенгайтирилиши кераклигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган конструкциялари динамик мустаҳкамлигини тадқиқ этиш» номли иккинчи бобида АДМ-1 автомотрисаси мисолида унинг турли оғирлик билан юкланиш режимидаги махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб рамасининг динамик мустаҳкамлиги ҳисоби келтирилади. Махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб статик мустаҳкамлиги ҳисоби учун математик модель ва компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда унинг ҳисобини амалга ошириш услубиёти тақдим этилган.

Таклиф этилаётган моделнинг мавжуд моделлардан фарқи эквивалент балка узунлиги бўйича кесим, масса, ҳамда букилиш ва бўйлама қаттиқлик ўзгарувчанлигининг ҳисобга олинганлиги бўлиб, бу реал эксплуатация шароитларига мувофиқ келади.

Биз таклиф қилаётган модель учун авариявий-тиклаш автомотрисаси рамаси юк тушадиган эквивалент каркасининг параметрлари ўзгарувчан функция кўринишида қабул қилинади:

- автомотриса рамасининг погонли массаси (кг/м)

$$m_k(X) = m_0 * (a_0 + a_1 X + a_2 X^2), \quad (1)$$

- кўндаланг кесим майдони


$$F(X) = F_0 * (d_0 + d_1 X + d_2 X^2), \quad (2)$$

бунда авариявий-тиклаш автомотрисаси юк тушадиган бош рамасининг узунлиги автомотриса ўқлари бўйлаб 12,95 метрга тенг, X координатаси эса $0 \leq X \leq 12,95$ м меъёрида ўзгариб туради;

- рама $XС$ ўқи бўйлаб кесимларининг келтирилган инерция моменти - I_x ($см^4$):

$$I_x(X) = I_0 * (b_0 + b_1 X + b_2 X^2), \quad (3)$$

бунда I_0 - А-А кесимлари инерция моменти (2.1-расм), (улушларда 1,0 га тенг) ҳисобий қиймати $I_0 = I_{ХС} (А-А) = 10380$ $см^4$ га эга.



1-расм. АДМ-1 автомотрисаси бош рамасининг ҳисобий схемаси

Авариявий-тиклаш автомотрисаси юк тушадиган эквивалент каркасининг зўриққан-деформацияланган ҳолатини таҳлил қилиш учун ўзгарувчан кесимли тўғри стерженлар букилишли ва бўйлама тебранишларининг дифференциал тенгламаларидан фойдаланамиз:

$$m_k(X) \frac{\partial^2 U(X,t)}{\partial t^2} - E \frac{\partial F(X)}{\partial X} \cdot \frac{\partial U(X,t)}{\partial X} - EF(X) \frac{\partial^2 U(X,t)}{\partial X^2} =$$

$$= N_d(X,t) + E \frac{\partial I_x(X)}{\partial X} \cdot \frac{1}{R^2} + 2EI_x(X) \frac{1}{R} \frac{\partial^3 W(X,t)}{\partial X^3}, \quad (4)$$

$$m_k(X) \frac{\partial^2 W(X,t)}{\partial t^2} + EI_x(X) \frac{\partial^4 W(X,t)}{\partial X^4} + E \frac{\partial^2 I_x(X)}{\partial X^2} \cdot \frac{\partial^2 W(X,t)}{\partial X^2} =$$

$$= P_d(X,t) + \frac{E}{R} \left[\frac{\partial^2 I_x(X)}{\partial X^2} + 2I_x(X) \cdot \frac{\partial^3 U(X,t)}{\partial X^3} \right]. \quad (5)$$

(4) ÷ (5) тизими Симпсон услуби бўйича линеарлаштириш билан ҳал қилиниб, ундан кейин эса Лаплас операцион ўзгартиришини вақтга боғлиқ равишда доимий коэффицентли дифференциал тенгламаларга Фурье услуби қўлланади, рақамли тадқиқотлар бўлакли-чизиқлик аппроксимациялаш ва чекли элементлар услублари ёрдамида бажарилган.

Авариявий-тиклаш автомотрисаси рамаси мустаҳкамлигининг динамик ҳисобини амалга ошириш учун биз Mathcad 14 муҳитидаги ҳисоб-китоб дастурини ишлаб чиқиб, унда тажриба маълумотлари ҳисобга олинган ҳолида ташқи юкланиш шароитларининг ўзгариб туриши, шунингдек Гаусс услуби ёрдамида масса, рама кесимлари майдони ва инерция моментларининг ўзгарувчанлиги ҳисобга олинади.


Махсус ўзиюлар ҳаракатланувчи таркиб кузови ҳисобий схемада бўйлама йўналишда тўлиқ мувозанатланган деб фараз қилиниб, шу сабабли таянч реакциялари ўзаро тенг.

2-расмда букувчи моментлар эпюраси автомотриса рамасининг модернизациялашга қадар (кучайтиришсиз) (а) ва модернизациялашдан сўнг (бўйлама балкалар (боковиналар) 1^1-1^1 ва кўндаланг балкалар 2^1-2^1) кесимларида кучайтирувчи қўйилмалар ўрнатилган ҳолда тақдим этилган.

Тадқиқотлар “статик юклама” режимида бўйлама балкалардаги №1 кесимларга нисбатан кўпроқ юк тушишини кўрсатди (максимал зўриқишлар 10 МПа дан юқори). Ушбу режим тўлиғича рама мувозанатланганига ва оғир ускуналарнинг жойлашган ўрнига боғлиқ. Кучайтирувчи қўйилмаларни ўрнатиш йўли билан модернизациялаш жараёни рама кесимларидаги зўриқишларни 10% дан 20% гача пасайтириши аниқланган.

Диссертациянинг «**Махсус ўзиюлар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган конструкциялари толиқиш мустаҳкамлигини тадқиқ этиш**» номли учинчи бобда махсус ўзиюлар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган

конструкциялари толиқиш мустаҳкамлигининг ҳисоб-китобини амалга ошириш учун математик модель тузилиб, юк тушадиган конструкциялари қолдиқ толиқиш мустаҳкамлигининг ҳисоб услубиёти, эксплуатация жараёнида юк тушадиган конструкцияга таъсир қиладиган юкларлар берилган, бир йил эксплуатация давомидаги вертикал таъсирлардан, шунингдек бир йил эксплуатация давомида таъмирлаш натижасидаги юкларлардан тушадиган таъсирлар, бир йил эксплуатация давомидаги бўйлама юкларлардан тушадиган, толиқишга қаршилик кўрсатиш захира коэффициентлари ва хизмат қилиш муддати ҳисоб-китоблари бажарилди.



(а) – рама ҳисобий кесимларини кучайтирмаган ҳолда, (б) – рамани модернизациялашдан кейин кучайтирувчи қўйилмалар ўрнатиш билан.

2-расм. Автомотриса бош рамаси букувчи моментлари эпюраси.

Танлаб олинган зона учун толиқиш мустаҳкамлиги мезони бўйича узок муддат ишлашга доир изланаётган қиймат қуйидаги формулага биноан топилди:

$$T_k = \frac{\left(\frac{\sigma_{a,N}}{[n]}\right)^m \cdot N_0}{N_{c1} \cdot \sum_j (\sigma_{aj}^I)^m \cdot P_j^I + N_{c2} \cdot \sum_k (\sigma_{ak}^{II})^m P_k^{II} + N_{c3} \cdot \sum_h (\sigma_{ah}^{III})^m \cdot P_h^{III}}, \quad (7)$$

бунда m – тенгламадаги толиқиш эгри чизигининг амплитудаларда кўрсатилган даража кўрсаткичи. Прокатдан ясалган пайвандли конструкциялар учун, чокларга мустаҳкамлаш ишлови бермаган ҳолда [93] га мувофиқ, $m = 4$; T_k – эксплуатация қилиниш ҳисобий муддатига доир изланаётган қиймат; N_{c1}, N_{c2}, N_{c3} – 1 йиллик эксплуатация давомидаги бўйлама, вертикал, таъмирлаш ва бошқа юкламалардан тушадиган цикллар сони; $\sigma_{aj}^I, \sigma_{ak}^{II}, \sigma_{ah}^{III}$ – тажриба давомида зарбли бўйлама юкламалардан (j диапазонларда), рессорали осилмадаги тебранишлардан (k диапазонларда), синов ички босимларидан, таъмирлаш юкламалари (n диапазонларда) ва шу кабилардан олинган носимметрик циклларга симметрик циклга эквивалент бўлган келтирилган динамик зўриқишлар амплитудалари; $P_{j,k,n}$ – тегишли кучланишларда амплитудаларнинг юзага келиш эҳтимоли (частотаси); N_0 – циклларнинг базавий сони.

Махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб ни толиқиш мустаҳкамлигига ҳисоб-китоб қилишнинг таклиф этилган услубиётини амалга ошириш мақсадида биз рақамли ҳисоб-китоб дастурини ишлаб чиқдик. Ҳисоб-китоб учун бошланғич маълумотлар сифатида қуйидагилар олинди:

Материалнинг назорат ҳудудида вақтинчалик қаршилик кўрсатиш чегараси қиймати ва симметрик букилиш циклида силлиқ стандарт намуна бардошлилиги чегарасининг ўртача (медиан) қиймати базаси N_0 да тадқиқ этилаётган нуқталар учун қуйидагиларни ташкил этади: $\sigma_B = 355$ МПа, $\bar{\sigma}_{-1} = 160$ МПа. Толиқиш мустаҳкамлиги захираси коэффицентларини аниқлаш параметрлари 1-жадвалга биноан қабул қилинди.

2-жадвал таҳлилидан маълумки, (6) формулага биноан ҳисоблаб топилган толиқишга қаршилик кўрсатиш захира коэффиценти ва (7) формула бўйича ҳисоблаб аниқланган эксплуатация қилиниш муддати қийматига кўра МЎХТ юк тушадиган конструкцияси модернизацияланишига қадар фақат 1' кесими бўйича талаб этилган $n=1,5$ ва $T_k = 30$ йилдан кам, яъни мос равишда 1,49 ва 29,8 йил кўрсаткичига эга эканлигини кўрсатади. Модернизациялашдан сўнг юк тушадиган конструкциянинг барча кесимлари толиқишга қаршилик кўрсатиш захира коэффиценти ва эксплуатация қилиниш муддатлари бўйича барча талабларга жавоб беради. Бу билан капитал таъмирлашдан сўнг махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб юк тушадиган конструкциясининг қолдиқ ресурси камида 10 йилни ташкил этиб, унинг давомида ана шу турдаги ҳаракатланувчи таркибнинг авариясиз эксплуатация қилиниши таъминланади.

1-жадвал

Кесимлар бўйича толиқиш мустаҳкамлиги захира коэффициентини аниқлаш учун мўлжалланган параметрлар

	Кесимлар №							
	1	1'	2	2'	2''	3	3'	4
K_σ	1,2	1,2	1,17	1,17	1,17	1,2	1,2	1,41
$K'_{\sigma Д}$	2.87	2.87	2.8	2.8	2.8	2.87	2.87	3.37
$\frac{\sigma_T / \sigma_{ms} - 1}{K'_{\sigma Д}}$	0.43	0.43	0.44	0.44	0.44	0.43	0.43	0.36
Ψ_σ	1	1	1	1	1	1	1	1
модернизациялашга қадар								
$\sigma_{ст\ max}$, МПа	183,15	264,75	35,1	58,55	23,25	255,23	83,17	151,5
$\sigma_{ст}$, МПа	22,8	39,97	35,07	58,55	21,45	36,25	32,25	35,1
модернизациялашдан сўнг								
$\sigma_{ст\ max}$, МПа	134,1	204,0	26,75	40,3	22,98	255,23	83,17	151,5
$\sigma_{ст}$, МПа	24,95	25,56	24,13	28,3	21,1	36,5	32,25	35,1

Толиқишга қаршилик кўрсатиш захира коэффициенти (6-формула) ва толиқиш мустаҳкамлиги мезони бўйича узоқ муддат ишлаш ҳисоб-китоби натижалари (7-формула) 2-жадвалга жамланган.

2-жадвал


Толиқишга мустаҳкамлиги захира коэффициентлари ва эксплуатация қилиш ҳисобий муддатининг қўшма жадвали

Кесимлар №	1	1'	2	2'	2''	3	3'	4
модернизациялашга қадар								
n	2,35	1,49	3,06	1,81	4,96	1,59	2,7	1,93
T_k	198,73	29,8	555,37	65,72	3835,0	40,7	338,33	89,3
модернизациялашдан сўнг								
n	2,6	2,1	4,39	3,64	5,04	1,59	2,7	1,93
T_k	290,0	125,1	2348,1	1109,82	4083,4	40,7	338,33	89,3

Шунингдек бобда ANSYS WORKBENCH тизимида толиқиш мустаҳкамлигининг ҳисоби услубиёти ишлаб чиқилган.

Толиқишга мустаҳкамликни ҳисоб-китоб қилиш учун SN ёндашув танланиб, яъни толиқиш эгри чизиги симметрик юкланиш ва узоқ муддат ишлаш циклидаги зўриқишлар амплитудалари нуқталари кетма-кетлиги билан берилиб, цикл асимметриясининг таъсирини ҳисобга олиш учун эса Гудман модели танлаб олинган. ANSYS WORKBENCH дастурий мажмуи ёрдамида АДМ-1 автомотрисасининг чекли-элементли модели яратилиб, у 3-расмда келтирилган.

Автомотриса рамаси толиқиш мустаҳкамлигининг ҳисоб-китобини амалга оширамиз. Зўриқишларнинг тақсимланишини аниқлашда ушбу масалада уч ўлчамли чекли элементлардан фойдаланамиз (Solid типли).



3-расм. АДМ-1 нинг чекли-элементли модели


Зўриққан ҳолат букилишга мувофиқ бўлиб, шунинг учун толиқиш балкаси материали қаршилигига оид 3-жадвалда берилган маълумотлардан фойдаланамиз.

3-жадвал

Толиқиш балкаси материали қаршилиги

N	100	1000	10000	100000	1000000
σ_a , МПа	355	315	262	148	86



Мазкур конструкция учун статик масалани ечиш натижаларига кўра зўриқшлар ва деформацияланишлар майдонлари топилган. Мисол тариқасида 3-расмда ушбу конструкциянинг натижавий юкламаси $F_a = 345$ кН га тенг бўлган ҳолат учун зўриқишлар интенсивлиги тақсимланиши кўринишидаги статик ҳисоби натижалари келтирилган (шакл ўзгартириш солиштирма энергияси фарази бўйича эквивалент зўриқиш (кучланиш)). Расмнинг ўнг қисмидаги ранглар палитраси зўриқиш даражалари турли ранг интервалларига мувофиқлигини беради. Зўриқиш қийматлари МПа ларда берилган.





4-расм. Рама зўриқишларининг тақсимланиши

Толиқиш эгри чизиғи юкланиш ва узоқ муддат ишлашга доир симметрик циклдаги зўриқишлар амплитудаси нуқталари кетма-кетлиги билан

берилганлиги сабабли, толиқишга мустаҳкамлик тавсифларини аниқлаш учун SN ёндашувни, цикл асимметрияси таъсирини ҳисобга олиш учун эса Гудман моделини танлаймиз. 5-6-расмларда толиқиш узоқ муддатлилиги (Life) ва зўриқишлар амплитудалари бўйича захира коэффиценти (Safety Factor) натижалари келтирилган.



5-расм. Узоқ муддат ишлаш қобилиятининг тақсимланиши



6-расм. Мустаҳкамлик захираси коэффиценти тақсимланиши

Толиқиш мустаҳкамлиги тавсифларининг максимал ва минимал қийматлари 4-жадвалга жамланган.

4-жадвал

Толиқиш мустаҳкамлиги тавсифларининг максимал ва минимал қийматлари

№		Минимал қиймат	Максимал қиймат
1.	Узоқ муддат ишлашнинг тақсимланиши, цикллар	198770	1000000
2.	Мустаҳкамлик захирасининг тақсимланиш коэффиценти	0,75486	15,0
3.	Зўриққан ҳолатнинг тақсимланиш тавсифлари	-0,99999	0,98878
4.	Зўриқишлар тақсимланишининг эквивалент амплитудаси, МПа	9,3696e-004	114,19

Толиқиш мустаҳкамлигига оид тавсифларининг олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, қабул қилинган юкламаларда энг катта зўриқишлар бош рама боковинасининг 1 ва 1¹ (1-расмдаги А-А кесиги) ҳамда 4 кесимида (D-D кесиги) юзага келар экан. Бу ҳолда в сечениях 1 ва 1¹ кесимларидаги эквивалент амплитудали зўриқиш тахминан 114 МПа га тенг бўлиб, узоқ муддат ишлаши 198770 цикл деб баҳоланади, мустаҳкамлик захираси коэффиценти 0,75 ни ташкил этади (емирилишга мувофиқ келади). Келтирилган қийматлар умуман аввалги бўлимларда олинган хулосаларга тўғри келади.

Кучайтирувчи қўйилмалар ўрнатилган, модернизацияланган рама учун ҳам ана шундай ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Натижалар модернизациялаш кўрсатилган зоналардаги зўриқишларни 23 % (92,7 МПа) га камайтиришга эришилганлигини кўрсатиб, узоқ муддат ишлашни 1000000 циклгача узайтириш, мустаҳкамлик захираси коэффиценти қийматини бирдан ошириш таъминланганлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг «**Махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб асосий ускуналари ишончлилигини ошириш услубларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб асосий ускуналарининг асосий агрегатлари ва узелларини бошқариш, баҳолаш ва башоратлаш янги технологиясининг асосий тамойили техник ҳолатни эксплуатация жараёнида диагностика воситаларидан фойдаланган ҳолда индивидуал тарзда баҳолашга асосланган, янгича оқилона техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш стратегияси асосидаги асосий технологик тамойили ишлаб чиқилди.


УС махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб эксплуатация шароитларини аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадида «O'zbekiston temir yo'llari» АЖ нинг «Механизация бўлими» томонидан минтакавий участкаларда белгилаб қўйилган тармоқ ва техник стандартларга биноан АДМ-1, АДМ типидagi 174 та автотриса ва МПТ-4 мотовозларининг техник ҳолати таҳлил қилинди. махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб ўзаро бир-бири билан боғлиқ, оғир эксплуатация шароитларида ишлайдиган металл конструкцион, гидравлик ва электромеханик қурилмаларнинг кириш ва чиқиш қийматларига эга бўлган, мураккаб кўп элементли динамик тизим бўлганлиги сабабли МЎХТ ни яхлит тарзда ёки унинг алоҳида қурилмаси ишончлилигини баҳолаш маълум қонунлар шаклидаги анча қийин вазифа бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб ишончлилигини таҳлил қилиш мақсадида, муҳандислик нуқтаи назаридан, кўп сонли регрессия статистика услубидан фойдаланиб, у полином коэффицентларини чиқиш параметрлари Y ва кириш параметрлари кўплиги X ни боғлаб турувчи регрессия коэффицентлари сифатида аниқлаш имконини беради.

Мазкур ишда статистика маълумотлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ минтакаларида саккиз йиллик эксплуатация давомидаги турли модификацияли махсус ўзиюар ҳаракатланувчи таркиб кўплаб

кузатувлардан регрессия полиноми ёрдамида олинадиган баҳоларнинг ўртача квадратик хатолигини ва тажрибалар сонини камайтириш имконини берадиган тўлиқ ва касрли омил элементлари учун оптимал режаларни куриш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди.

Махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб айрим узеллари электромеханик ускуналарининг ишдан чиққунига қадар ишлаш давомийлиги, илашиш муфтаси билан бирга ишлайдиган асинхрон двигателлар хусусиятлари тўғрисидаги статистика маълумотларига ишлов берилганида улар учун экспоненциал қонун ва Гаусс нормал қонуни бирга, устма-уст ишлашини кўрсатди. 7-расмда АДМ-1 автототрисасининг ишдан чиққунига қадар босиб ўтилган йўли тақсимланиши кўрсатилган бўлиб, у икки устма-уст тушиш(наложение)лар мавжудлигини тасдиқлайди.

Монтаж ва тайёрлаш нуқсонлари оқибатида АУ дан фойдаланиш даврининг бошланишида ишдан чиқиш эҳтимоли, Тихорецкий машинасозлик заводи маълумотларига биноан, тахминан 0,001 ... 0,007 атрофида бўлади. Шунинг учун, ресурсни башоратлашда каттагина ишонарли эҳтимолийлик билан анча юқори қиймат, яъни $P_0 = 0,99$ га мўлжал олиш мумкин.



7-расм. Гаусс экспоненциал ва нормал қонунининг МЎХТ ишдан чиққунига қадар ишлашидаги тақсимланиши (устма-уст тушиши) $\Delta t = 1000$ км.

Тўсатдан рўй берадиган ишдан чиқишлар рўй бермаслиги эҳтимоли вақт бўйича $\hat{\lambda}$ параметри билан экспоненциал қонунга биноан тақсимланган, яъни:

$$P_1 = \exp(-\hat{\lambda}t) \quad (8)$$

$\hat{\lambda}$ қиймат ГОСТ 17509-72 га биноан эксплуатация тажрибаси ва кузатувлар натижаларига кўра $[N, U, T]$ режаси бўйича аниқланади:

$$\hat{\lambda} = \frac{d}{\sum_{i=1}^n t_i + (N-d)T},$$

бунда d – ишдан чиқишлар сони; t_i – ишдан чиқишга қадар ишлаш ; N – кузатув остига олинган йиғув узеллари сони; T – режа бўйича кузатувлар давомийлиги (соат, йил).


Механик, электр ва гидравлик ускуналардан ташкил топган АУ бошқариш тизими АУ юки оғирлиги, кўтарилиш ва тушиш тезликлари,

технологик режимлари турлича эканлиги, турли ишдан чиқиш интенсивлигига эга бўлган электр ва гидравлик ускуналарининг турли-туман цикли ёки давомли юкламалари таъсири оқибатида ресурсидан нотекис фойдаланилади.

Кузатувлар ва ҳисоб-китоблар натижаларининг тизимли таҳлили асосида МЎҲТ асосий йиғув узелларининг ишдан чиқишга қадар тақсимланиши умумий эҳтимоли экспоненциал ва нормал Гаусс қонунларининг устма-уст туришидан иборат эканлиги кўрсатилган. Улар тақсимланиш зичликлари ҳисобий натижаларига кўра АУ махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркибга алоҳида ва биргаликда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг оптимал даврийлик кўрсаткичларига тузатишлар киритиш мумкин.

Диссертациянинг «Назарий-экспериментал тадқиқотлар ишончилиги, махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркиб хизмат муддати давом эттиришни ривожлантириш концепцияси» деб номланган бешинчи бобида автомотриса кузови юк кўтарадиган рамасининг вибрацион мустаҳкамлиги бўйича экспериментал тадқиқот натижалари, ҳамда махсус ўзиюрар ҳаракатланувчи таркибни ривожлантириш концепциясига оид назарий ва экспериментал тадқиқотлар кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар ўтказиш услубиёти табиий шароитлардаги синовларнинг ўтказилиши учун қўлланадиган қоидалар жамланмаси билан белгиланиб, улар ташқи таъсирларни тадқиқ этиш, тегишли ускуналар ва аппаратурадан фойдаланиш (вибродатчиклар ва тензодатчиклар), автоматлаштирилган қайд этиш мажмуини қўллаш ва тажриба маълумотларига эҳтимолий-статистика услублари (Analyzer 2000) ёрдамида ишлов беришдан иборат. Бундан ташқари, биз таклиф этаётган синовлар услубиёти МДХнинг барча мамлакатлари учун бир хил қилиб қабул қилинган электровозларнинг табиий шароитлардаги синовини ўтказиш услубиётига асосланади. Табиий шароитлардаги синовлар АДМ-1 автомотрисанинг эксплуатация шароитларида ўтказилди.



а). $V = 20$ км/соат, б). $V = 50$ км/соат.

8-расм. АДМ-1 автомотрисасининг йўл бўйлаб турли тезликда ҳаракатланганида рамасининг зўриқишлар ўзгариши осциллограммаларнинг кўриниши

Экспериментал тадқиқотлар туркумли тарзда бир неча кун давомида такрорланиб ўтказилди. Синовлар пайтида умумий вақт, автомотриса тезлик режим бўйича маълумотлар ёзиб олиниб, шунингдек кузов рамасидаги вибрациялар ва деформациялар назорат нуқталари бўйича қайд этиб борилди. 8-расмда АДМ-1 автомотрисасининг уламалар туфайли даврий нотекислиги бўлган йўл бўйлаб ҳаракатланишидаги вертикал (букилувчи) зўриқишлари (деформациялари) ўзгаришлари учун осциллограмманинг тахминий кўриниши кўрсатилган.

Синовлар пайтидаги ана шу нуқталардаги вибротезлашишлар қийматларига доир умумлаштирилган маълумотлар 5-жадвалда берилган.

